

БОЛАЛАР ВА ЁШЛАР УЧУН ДЎСТОНА МАҲАЛЛИЙ БОШҚАРУВ ТАШАББУСИ

A vibrant photograph of a group of children and adults, likely of South Asian descent, gathered outdoors. Many of them have their hands raised, showing colorful paint designs on their palms and fingers. The children are smiling and looking towards the camera. In the background, there are colorful triangular bunting flags and a building. The overall atmosphere is joyful and celebratory.

БОЛАЛАР ВА ЁШЛАР УЧУН ДЎСТОНА МАҲАЛЛИЙ БОШҚАРУВ ТАШАББУСИ

Барча болалар ўзларини хавфсиз ҳис қиладиган, бирламчи хизматлардан, тоза ҳаво ва сувдан фойдаланишлари, ҳордиқ чиқариши, ўрганиши ва ўсиши мумкин бўлган, уларнинг ташаббуслари эътиборга олинадиган ва қулай муҳитда ўсиш ҳуқуқига эга.

UNICEFнинг “Болалар ва ёшлар учун дўстона шаҳарлар” ташаббуси шаҳарлар ва маҳаллаларни ҳар бир бола учун юқоридаги ҳуқуқларни рўёбга чиқаришни мақсад қилган.

БОЛАЛАРНИНГ УМИДИ ШАҲАРЛАР ВА ҲАМЖАМИЯТЛАРДА



“Болалар ва ёшлар учун дўстона маҳаллий бошқарув” ташаббуси (кейинги ўринларда Ташаббус) 1996 йилда урбанизациялашмаган ва марказлаштирилмаган дунёда болалар ҳуқуқларини амалга ошириш муаммосига муносабат билдириш мақсадида бошланган. Ташаббус хавфсиз, инклюзив ва болаларнинг эҳтиёжларини қондиришга мулжалланган шаҳарлар ва ҳамжамиятларни барпо этиш учун маҳаллий манфаатдор томонлар ва UNICEFни бирлаштиради.



Болалар бизнинг келажагимиз, аммо бу келажак ҳар бир бола учун ёрқин бўлишини қандай таъминлаймиз? Барча болалар ҳуқуқларга эга, бироқ ҳаммаси ҳам бир хил имкониятларга эга эмас. Болалар ўртасидаги тенгсизлик, айниқса шаҳарларда кескинлашмоқда. Дунёда урбанизация жараёнлари кучайиб борар экан, аксарият болалар тобора ўзлари истиқомат қилаётган шаҳарлар ва маҳаллаларда энг ёш фуқаролари учун зарур шароитлар яратилишига умид қилмоқда.



Сўнгги йилларда маҳаллий ҳокимликлар томонидан ўз ҳудудларида яшовчи энг заиф гуруҳларни, жумладан болалар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг манфаатларини кўзлаш тенденцияси ўсиб бораётганига гувоҳ бўляпмиз.



“Болалар ва ёшлар учун дўстона маҳаллий бошқарув” ташаббуси ушбу жараёнда муҳим роль ўйнайди ва бошқа манфаатдор томонларни энг ёш фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эҳтиёжларини қондиришга кўпроқ эътибор беришга ундайди, дунёнинг 3 000 дан ортиқ шаҳарлар ва ҳамжамиятларида маҳаллий қарорларни қабул қилишда уларнинг иштирокини таъминлайди.

БОЛАЛАР ВА ЁШЛАР УЧУН ДЎСТОНА МАҲАЛЛИЙ БОШҚАРУВ ТАШАББУСИ НИМАДАН ИБОРАТ?

Ушбу Ташаббус:



UNICEF, маҳаллий ҳокимият органлари, фуқаролик жамияти, бизнес ва бошқа маҳаллий манфаатдор томонларни болалар учун дўстона шаҳарлар ва маҳаллаларни яратишда бирлаштирадиган **умумжаҳон ҳаракатдир.**



Болалар ва ёшлар иштирокини тарғиб қилади. Иштирок этиш нафақат ҳар бир боланинг ҳуқуқини, балки болалар ва ёшларнинг ташаббусларини инобатга олиш сиёсати ва хизматларни болаларнинг манфаатини кўзлашини таъминлайди. Ташаббус маҳаллий ривожланишнинг барча босқичларида уларнинг иштирокини таъминлайди.



Биринчи навбатда, шаҳарлар ва маҳаллаларнинг энг заиф қатламлари манфаатларини устун қўйиш орқали **ижтимоий инклюзияни кучайтирувчи дастур ҳисобланади.** Ташаббус ҳеч қайси бир боланинг эътибордан холи қолмаслигини таъминлайди.



Жойлардаги ҳар бир қарорнинг қабул қилиниш жараёнидаги устуворликларнинг ўзгаришидир. Маҳаллий ҳокимият органлари ташаббусга қўшилиш орқали болалар ва ёшларнинг фаровонлиги ҳамда манфаатларига ўз ҳиссасини қўшиш муҳимлигини тан олади.



Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияни амалга оширувчи воситадир. Ҳукуматнинг барча органлари болалар ҳуқуқлари тан олиниши, амалга оширилиши ва ҳимоя қилинишини таъминлаш учун жавобгардир. Ташаббус ушбу ҳуқуқларни амалий сиёсатга айлантиришда шаҳарлар ва маҳаллаларни қўллаб-қувватлайди.



Барқарор ривожланишга яхлит ёндашув бу – маҳаллий ҳокимликларни болалар фаровонлиги ҳақида бутун маҳаллани қамраб олган ҳолда кенгрок фикр юритишга ундайди. Ташаббус атроф-муҳитнинг ифлосланишидан тортиб соғлиқни сақлашгача бўлган муаммоларни ҳал қилишда яхлит ёндашув сифатида, шунингдек, Барқарор ривожланиш мақсадлари кун тартибига ҳисса қўшади.



МАҚСАДЛАР ВА НАТИЖАЛАР

“Болалар ва ёшлар учун дўстона маҳаллий бошқарув” ташаббуси болалар ва ёшларга дўстона шаҳарлар ва маҳаллаларни қуриш учун бошқарув тизимини таъминлайди.

Қуйидаги беш мақсадли йўналиш бу ишнинг асосини ташкил қилади. Ушбу мақсадли ҳудудлар доирасида шаҳарлар ва маҳаллалар маҳаллий болалар ва ёшларнинг эҳтиёжлари ва устуворликларидан келиб чиқиб, диққат марказида бўладиган ҳудудларни танлашлари мумкин.

1 КАДРЛАШ, ҲУРМАТ ҚИЛИШ ВА АДОЛАТЛИ МУНОСАБАТДА БЎЛИШ ҲУҚУҚИ


2 ЭШИТИЛИШ ҲУҚУҚИ


3 АСОСИЙ ХИЗМАТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚИ*

4 ХАВФСИЗЛИК ҲУҚУҚИ

5 ОИЛА ЭЪТИБОРИ, ЎЙИН ВА ДАМ ОЛИШ ҲУҚУҚИ

**Бу соғлиқни сақлаш, таълим, озиқ-овқат, эрта болаликни ривожлантириш ва таълим, адолат ва оилани қўллаб-қувватлашни ўз ичига олади)*





НИМАГА МАҲАЛЛИЙ БОШҚАРУВНИ ЖАЛБ

ҚИЛИШ КЕРАК?

Маҳаллий ҳокимлик

болалар ва ёшлар фаровонлигини ошириш учун тармоқлар бўйлаб ҳамкорликни кучайтиради. Иштирок этиш жараёнлари маҳаллий демократияни қўллаб-қувватлайди ва ғурур ва эгалик ҳиссини ривожлантиради.

Болалар ва оилалар

қўллаб-қувватланади ва уларнинг эҳтиёжлари маҳаллий сиёсат, бюджет ва хизматларда акс эттирилади.

Жамиятда болалар фаровонлиги ва бола ҳуқуқлари билан шуғullanувчи фуқаролик жамияти ташкилотлари ёки фикр етакчилари маҳаллий ҳокимият органлари билан конструктив ҳамкорлик қилиш ҳуқуқига эга.

Болалар ва ёшлар фаровонлигига сармоя киритаётган **маҳаллий ишбилармонлар** кучли ҳамжамиятларни барпо этишга, маҳаллий ривожланиш ва бошқарув жараёнларини кучайтиришга ҳамда уларнинг болалар ҳуқуқлари бўйича олиб бораётган ишлари учун эътирофга сазовор бўлишга ёрдам беради.

ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ИШТИРОК ЭТИШ МУМКИН?

1



UNICEF билан “Болалар ва ёшлар учун дўстона маҳаллий бошқарув” ташаббусида иштирок этиш тўғрисида Меморандум имзолаш;

2



Шаҳар ёки маҳалла ичидаги болаларнинг аҳволини таҳлил қилиш.

3



Мақсадлар ва натижалар доирасидаги мақсад ва вазифаларни биринчи ўринга қўйиш.

4



Ташаббус Ҳаракат режаси ва бюджетини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

5



Ташаббус номзод логотипини олиш.



Child
Friendly
Cities
initiative

ҚАНДАЙ ҚИЛИБ БОЛАЛАР ВА ЁШЛАР УЧУН ДЎСТОНА МАҲАЛЛИЙ БОШҚАРУВ СИФАТИДА ТАН ОЛИНИШИ МУМКИН?

6

○ Ҳаракат режасини
амалга ошириш (2-5 йил).

7

○ Муваффақиятларни
баҳолаш.

8

○ Ижобий баҳолашдан сўнг,
Ташаббус логотипини ва
мақомини олиш.

Болалар ва ёшлар учун маҳаллий бошқарувни барпо этиш узлуксиз жараёндир. Кейинги босқичда шаҳарлар жараён даврийлигини қайта бошлаши, янги Ҳаракатлар режаси лойиҳасини ишлаб чиқиши, танланган соҳаларда фаолиятини кучайтириши ва янги натижаларга эришишни ўз ичига қамраб олиши мумкин. Ташаббусда иштирок этиш ҳокимлик ва жамоатчилик вакиллари болалар ва ёшларга ғамхўрлик қилишда давом этаётганини ҳамда эришган ютуқлари билан чекланиб қолишни истамаслигидан далолат беради.



БОЛАЛАР ВА ЁШЛАР УЧУН ДЎСТОНА МАҲАЛЛИЙ БОШҚАРУВ ТАШАББУСИ ДУНЁ БЎЙЛАБ

Сизга керак бўлганда ёрдам топиш:
Словенияда хавфсиз маконлар

Хавфсиз маконлар ташаббуси болалар ва ёшларга ёрдам сўраши мумкин бўлган очик, жамоат жойлари билан таъминлайди. Бу жойлар кутубхоналар, ёшлар марказлари, давлат муассасалари, банклар, суғурта агентликлари, дўконлар ва супермаркетлар бўлиши мумкин. Ҳар бир хавфсиз маконда болалар ҳуқуқлари ва болаларни ҳимоя қилиш бўйича махсус ўқитилган ходимлар мавжуд. Маҳаллий хавфсиз маконлар харитаси мактаб ўқув дастурлари билан бирга тарқатилади.

Маҳаллий стартаплар билан ишлаш: Хо Ши Мин шаҳридаги Ташаббус

Хо Ши Мин шаҳрида янги ишга туширилган Ташаббус болалар учун соғлом ва хавфсиз шаҳар ҳудудини яратиш учун ишбилармонлар ва инновациялар секторлари билан яқиндан ҳамкорлик қилади. Ташаббус аллақачон маҳаллий стартап ҳамжамияти билан алоқаларни ўрнатган, аммо бу

ҳамкорликнинг якуний натижалари ҳали амалга оширилмаган.

Ўзининг кун тартибини белгилаш: Болалар ва Авилёс Ёшлар Кенгаши, Испания

800 дан ортиқ болалар билан маслаҳатлашувлар натижасида Ёшлар кенгаши шаҳар Кенгашига таклифлар билан болалар ва ёшлар учун стратегия лойиҳасини ишлаб чиқди. Таклифлар жамоат транспорти харажатларини камайитишдан тортиб, дам олиш учун қулайликлар яратишгача бўлган таклифлардан иборат эди. Таклифлар шаҳар Кенгаши томонидан бир овоздан маъқулланди ва тадбиқ этилди.



БИЗ БИЛАН БОҒЛАНИНГ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг
Болалар жамғармаси – ЮНИСЕФ

cfcf@unicef.org

www.childfriendlycities.org